

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

АМИНОВ ХАМЗА ХУСАНОВИЧ

**ЮҚОРИ САМАРАЛИ ИККИ БАРАБАНЛИ ТОЛА ТОЗАЛАШ
МАШИНАСИНИ ЯРАТИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Аминов Хамза Хусанович

Юқори самарали икки барабанли тола тозалаш машинасини яратиш ва
ишлаб чиқаришга жорий қилиш..... 3

Аминов Хамза Хусанович

Разработка и внедрение высокоэффективного двухбарабанного
волоконочистителя..... 21

Aminov Khamza

Development and implementation of a highly efficient double drum
fiber cleaner..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

АМИНОВ ХАМЗА ХУСАНОВИЧ

**ЮҚОРИ САМАРАЛИ ИККИ БАРАБАНЛИ ТОЛА ТОЗАЛАШ
МАШИНАСИНИ ЯРАТИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т1332 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ ва Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Максудов Эркин Тўхтаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мадумаров Илхом Дедаханович
техника фанлари доктори, профессор

Эргашев Шариббой Тўланович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 7 ноябр соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100116, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7, тел: (+99869) 228-76-65, 228-76-68, факс: 228-76-65; e-mail: niet_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 1-биноси, 1-қават, 3-хона).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (389-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100116, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7, тел:(+99869) 228-76-65, 228-76-68.

Диссертация автореферати 2020 йил 2 ноябр куни тарқатилди.
(2020 йил 2 ноябр 27 - рақамли реестр баённомаси).



Муратов

Р.М.Муратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

О.Ш.Саримсақов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, техника фанлари доктори, профессор

Холиков
Қ.М.Холиков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта толаси тўқимачилик саноати учун асосий хомашёлардан бири ҳисобланади. Ундан тайёрланган матолар, кийим-кечак маҳсулотлари экологик тоза ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган маҳсулотлар сифатида қадрланади. Пахта етиштириш бўйича АҚШ, Бразилия, Хиндистон давлатлари етакчи ўринларда туради¹. Дунё бозорининг ушбу сегментидаги ўрни ва нуфузини сақлаш учун бу мамлакатларда пахтага ишлов бериш технологиясини барқарор ривожлантириш, замонавий технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, жаҳон пахта бозорига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё бозорида сўнгги йилларда истеъмолчилар томонидан пахта маҳсулотларининг муайян ассортименти ва сифат кўрсаткичларига талаб кўйилмоқда. Шу нуқтаи-назардан, истеъмолчига олдиндан белгиланган сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга бўлган маҳсулотни етказиб бериш, пахта маҳсулотларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини бошқарувчи “ақлли” технологияларни яратиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида маҳсулот сифати ва миқдорига салбий таъсир кўрсатувчи жараён ва омилларни аниқлаш ҳамда бартараф қилувчи техникавий ечимларни ишлаб чиқиш, барча технологик жараёнлар, шу жумладан пахта толасини тозалаш жараёнлари самарадорлигини ошириш соҳанинг долзарб масалалари сифатида кун тартибига кўйилганини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш каби вазифалар белгилаб берилган². Ушбу вазифаларни амалга оширишда, пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнида, хусусан, пахта толасини тозалашда жараёнга таъсир қилувчи омилларни ва уларнинг таъсир даражасини аниқлаш, пахта толасининг табиий хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда ифлосликларни ажратиб олиш ва кейинги технологик жараёнларга узатиб бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да жумладан, «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди. Бу вазифа ижросини таъминлашда янги технологияларни

¹Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони

яратиш ва мавжуд технологик машиналарни ва уларнинг асосий ишчи қисмларини (органларин) такомиллаштириш, шунингдек, тўқимачилик саноатнинг асосий хомашёси бўлган пахта толасини тозалаш учун илғор техника ва технологиялар яратиш орқали толани сифатини ошириш муаммоси саноатнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 23 февралдаги ПҚ-3559-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рахтасаноат Ўлми Маркази» АЖ нинг фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифани амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир қатор хорижий муаллифлартомонидан толаларни тозалаш жараёнини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борган. Назарияни ривожлантиришга Республикамиз олимлари- Мирошниченко Г.И., Котов Д.А., Байдюк П.В., Бурнашев Р.З., Болдинский Г.И., Крыгин А.И., Корабельников Р.В., Якубов Д.Я., Хафизов И.К., Максудов Э.Т., Лугачев А.Е., Марданов Б.М., Котов Ю.С., Исмаилов А.А., Гоибназаров Э.Э ва бошқалар катта ҳисса қўшишган.

Тола ва бошқа толали маҳсулотларни тозалашнинг мавжуд усуллари ва тола тозалагичларнинг конструкциясини таҳлили, тўғри оқимли турдаги тола тозалагичлар билан ўрта толали навлардаги толаларни тозалаш самарадорлироқлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

Тўғри оқимли толаларни тозалаш машиналарининг мавжуд конструкцияларининг тозалаш эффекти 40% дан ошмайди бу эса талабга жавоб бермайди ва тўғри оқимли толаларни тозалашнинг назарий ва экспериментал тадқиқотлари асосида толаларни тозалаш жараёнини ва қурилмаларини такомиллаштиришнинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон «Сифат» маркази ҳамда «Рахтасаноат ilmiy markazi» АЖ билан ҳамкорликда «Пахта толасини тозалаш учун юқори самарали

курулма ишлаб чиқариш» КА-3-063 Давлат илмий-техник лойиҳаси бўйича олиб борилган тақиқотлар режаси доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Тола тозалагич конструкциясини такомиллаштириш асосида унинг тозалаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим:

толаларни тозалаш жараёнининг самарадорлиги пастлигини сабабларини аниқлаш;

толаларни тозалаш усулини такомиллаштириш;

толаларни тозалашнинг янги усулини жорий этиш учун воситаларни ишлаб чиқиш;

асосий ишчи аъзолари рационал параметрларга эга бўлган юқори самарали тола тозалаш агрегатини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти. Пахта толаси, уни тозалаш жараёни ва тола тозалагичларни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг предмети. Тола тозалагичнинг ишчи органлари параметрлари ва унинг ишлаш режимлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнидаолий математика, назарий механика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлари ёрадамида оптималлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

тола тозалаш жараёнининг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар сони ва даражасини таҳлил қилиш асосида икки босқичли тола тозалаш технологияси ишлаб чиқилган;

тола тозалаш жараёнида унинг самарадорлиги жараёнга таъсир қилувчи ишчи қисмлар сони ва ўлчамларига боғлиқ эканидан келиб чиқиб, конденсер, таъминлаш тахтчаси ва аррали цилиндрга эга бўлган юқори самарали тола тозалаш агрегати конструкцияси ишлаб чиқилган;

толаларнинг ифлосликдан ажралиш жараёни таҳлили асосида тола тозалагич ишчи органларининг толани чиқинди таркибига ўтиб кетишини бартаараф қилувчи рационал параметрлари аниқланган;

толани тозалаш жараёнининг самарадорлигига аррали цилиндрлар сонининг таъсирини ўрганиш асосида икки цилиндрли тола тозалагич конструкцияси ишлаб чиқилган;

тола тозалашда аррали цилиндр аррасининг тишларига илашган тола билан колосник ўртасидаги зарбали таъсир таҳлиliga кўра тола тозалагич ишчи органларнинг тозалагичтозалаш самарадорлигини оширишга имкон берадиган асосий ишчи параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида икки босқичли тола тозалаш технологияси ҳамда конденсер, таъминлаш тахтчаси ва аррали цилиндрга эга бўлган юқори самарали тола тозалаш агрегати ҳамда икки цилиндрли тола тозалаш машинаси конструкцияси ишлаб чиқилган, шунингдек, ишчи органларнинг тозалагич тозалаш самарадорлигини оширишга имкон берадиган асосий ишчи параметрлари аниқланган;

рационал параметрларга эга бўлган тола тозалагичнинг ишлабчиқаришга жорий қилиниши натижасида ифлосликдан ажралиш даражаси ошган ва ишчи органлари орқали толани чиқинди таркибига ўтиб кетишини бартараф қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Математик моделларнинг экспериментал тадқиқотлар натижаларига адекватлиги, қиёсий таҳлил маълумотлари ва математик статистика усули билан мослиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг мутаносиблиги, тола тозалагични тавсия этилган ишчи аъзолари билан ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва расмийлаштириш, шунингдек олинган натижаларни ишлаб турган тола тозалагич параметрлари билан таққослаш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Муаллиф томонидан тавсия этилган математик моделлар, толани ҳаво оқимида ҳаракатини тавсифловчи динамик ва математик моделлар, масалаларни сонли ечимлари тозалагичнинг асосий ишчи органлари оптимал ўлчамларини аниқлашга, тола тозалагичнинг ишлаш режимларини танлашга хизмат қилиши, уларнинг маълум даражада толаларни тозалаш назариясининг асосларини бойитишга ва ривожлантиришга хизмат қилиши ишнинг илмий аҳамиятини кўрсатади.

Пахта тозалаш корхоналари узлуксиз технологик жараёнида тола тозалаш жараёни самарадорлигига таъсир қилувчи ишчи қисмлар сони ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда конденсер, таъминлаш тахтчаси ва аррали цилиндрга эга бўлган юқори самарали тола тозалаш агрегати конструкцияси ишлаб чиқилгани, амалга оширилган тадқиқотларнинг пахта тозалаш корхоналарининг талабига кўра олиб борилгани, тадқиқот натижаларининг юқори иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий этилган тадқиқот натижаларини амалий аҳамиятини ифодалайди. Тадқиқот натижалари янги тола тозалагични модернизация қилиш ва лойиҳалаш учун ишчи органларнинг технологик параметрларини республикада фаолият кўрсатаётган барча пахта тозалаш корхоналарига жорий қилиш учун тавсия этиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Такомиллаштирилган тола тозалагич конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлиги томонидан

фойдали модел сифатида патентланган тўғри оқимли тола тозалагич конструкциялари ишлаб чиқилган (Тола тозалагич. FAP 01164, 13.12.2016 й.; Толали материални тозалагич. FAP 01165, 13.12.2016 й.; Икки босқичли тўғри оқимли тола тозалагич. FAP 01170, 04.01.2017 й.). Натижада толани тозалаш самарадорлигини ошириш ва унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш имконияти яратилган;

такомиллаштирилган тола тозалагич «Ўзпахтасаноат» АЖ га қаршли корхоналарда, хусусан, «Бўка пахта тозалаш» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган «Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 16 мартдаги № 03-18/1064 маълумотномаси). Натижада корхонада ишлаб чиқарилган тола таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмаларнинг массавий улуши 1,93% га камайган;

икки цилиндрли тола тозалагич рационал параметрлари «Ўзпахтасаноат» АЖ га қаршли корхоналарда, хусусан, «Бўка пахта тозалаш» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган «Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 16 мартдаги № 03-18/1064 маълумотномаси). Натижада қурилманинг тозалаш самарадорлигини 37,7% гача оширишга эришилган, толали чиқиндилар миқдори 16,8 % гача камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та Республика илмий-техник конференцияларида муҳокама қилинган. Диссертация мавзуси буйича 13 та илмий ишлар чоп этилди, шулардан 4 та илмий мақола, шу жумладан Ўзбекисто Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тасия этилган 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 94 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижалари амалиёти, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мавжуд тола тозалагичлар ишини таҳлили ва ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиёт манбаларни аналитик таҳлили ва пахта тозалаш техник ва технологияни ҳозирги ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ҳозирги кунда республикамиз пахта тозалаш корхоналарида толаларни тозалаш учун асосан бир барабанли ва икки барабанли тўғри оқимли 1ВПУ

ва 2ВПУ турдаги тола тозалагичлардан фойдаланилади. Шу билан биргаликда республикамиз бази корхоналарида уч босқичли тўғри оқимли ЗОВП-М тола тозалагичлардан фойдаланилади.

Республикада пахта хомашёсини машиналарда теришни оммавий равишда жорий этилгандан сўнг ва ОРП ҳамда ОВП-У русумдаги бир барабанли тола тозалагичларнинг тозалаш самараси паст бўлганлиги туфайли, 1967 йилда уч босқичли тўғри оқимли ЗОВП туридаги тола тозалагичлар яратилди, бунда биринчи саноат навли машина теримидан олинган пахта хомашёсини қайта ишлаш жараёнида тозалаш эффекти 30-40% ташкил этди. Бу эса тола сифатини яхшилашга имкон яратди.

Маҳаллий ва хорижий тола тозалагичларнинг ишлаши ва самарадорлигини ўрганиш натижасида қийин тозаланадиган пахта навлари ва машина йиғим-теримида олинган пахта хомашёси O'z DSt 604:2001 давлат стандарти талабларига жавоб берадиган юқори сифатли тола олишни таъминлай олмапти. Конструктив хусусиятларига кўра, импорт қилинган тола тозалагич мураккаброқ, металлни кўп истемол қиладиган, катта ҳажмли. Уларда тола тозалаш технологияси кўпроқ ҳаво ва энергия сарфини талаб қилади.


Диссертациянинг “Тадқиқот методологияси” деб номланган иккинчи бобида пахта толасини тозалаш учун юқори самарадорликка эга бўлган қурилманинг мақбул схемасини танлаш услубияти келтирилган.

Олимларнинг кўп йиллик изланишлари шуни кўрсатдики, пахта толасини чиқиндилар ва улюкдан тозалашнинг энг қулай вақти, бу жиндан чиқгандан сўнгдир. Толалар бу вақтда бўш ҳолатдадир, уларнинг алоҳида тутамчаларнинг вазни атига 15-20 мг. Толанинг ҳажмли массаси жин арраларидан олингандан кейин 0,15-0,25 кг/м³ дан ошмайди.

Тола тозалагич поток линиясининг бир қисмидир ва унинг иш унумдорлиги жиннинг иш унумдорлигига тўғри келиши керак, якка жин бўлганда ва бир нечта (батарея) жинга батарея вариантыда. Маҳаллий ва импорт қилинган тола тозалагичларнинг камчиликлари ва афзалликларини инобатга олган ҳолда. 1-расмда келтирилган пахта толасини тозалаш учун юқори самарали агрегатнинг мақбул схемаси танланди.

Тола тозаловчи ускуна қуйидагича ишлайдиган икки босқичли тўғри оқимли тола тозалагич 1 ва конденсор туридаги тола тозалагич 2 дан иборат. Тола жиндан кейин бирлаштирувчи трубадан икки босқичли тўғри оқимли тола тозалагич 3 га келади, бу ерда нуқсонлар ва хас-чуплар миқдорига қараб бир маротаба ёки икки маротаба арра цилиндрларида тозалаш жараёнидан ўтиши мумкин. Сўнгра магистрал тола чиқарувчи орқали тола умумбатареяли конденсорга, ёки айланма канал орқали тозалаш учун барабани конденсорли тола тозалагич 4 га берилади, у асосан тозалаш қийин бўлган навлар ва машинада терилган пахта хомашёси бўлганда ишга


тушади. Тола кондерсор турдаги тола тозалагичда тозалангандан кейин умумий батареяли конденсорга юборилади, сўнгра пресслаш мосламасида прессланади.



1-расм. Юқори самарали пахта толасини тозалаш схемаси

Шундай қилиб, пахта хомашёсини селекцион ва саноат навларига ва толанинг дастлабки хусусиятларига қараб, янги тола тозалаш агрегатида тўрт турдаги толаларни тозалаш учун ишлатилиши мумкин.

Икки босқичли тўғри оқимли тола тозалагичнинг схемаси 2-расмда кўрсатилган, унда толалар қуйидагича тозаланади.



2-расм. Икки босқичли тола тозалагичнинг схемаси

Тола жиндан кейин кириш трубази 1 орқали аррали цилиндрга йўналтирилади, унинг айланиши натижасида арра тишлари илиб олган тола тутамчалари колосникли панжара 3 га урилади ва хас чўплардан тозаланади.


Биринчи цилиндрдан кейин тола бирлаштирувчи труба 5 бўйлаб иккинчи цилиндрга йўналтирилади, у ерда тола иккинчи маротаба тозаланади. Тозаланган тола ҳаво оқими ҳисобига тола тозалагичнинг чиқарувчи тубасига йўналтирилади. Толанинг бошланғич ифлослигига қараб тола тозаловчи битта ёки иккита аррали цилиндрлари билан ишлаши мумкин.

Ишлаш ҳолатини ўзгартириш учун клапан 4 хизмат қилади, у бир вақтнинг ўзида бирлаштирувчи трубанинг юқори қалпоғидир.

Конденсор туридаги тола тозалагичнинг схемаси 3-расмда кўрсатилган,

унда тозалаш жараёни қуйидагича амалга оширилади. Тола транспортловчи ҳаво билан биргаликда кириш трубаси 1 орқали сеткали кондерсор барабани 3га келади. Ажраган ҳаво барабаннинг ён томонларидан машинадан чиқарилади, тола эса валик 4 ёрдамида зичланади ва холст ҳосил қилади. Холст барабандан валик 5 ёрдамида ечиб олинади. Холст таровчи механизм валик ёрдамида валиклар 6 ва 7 орқали чўтка 8 ёрдамида аррали цилиндр 9 тишларига узатилади.

Арра цилиндрлар тишларига илиб қолинган толалар тутами колосниклар 10 га урилиб тозаланади. Тозаланган толани чўткали барабан 11 илиб олади ва чиқарувчи труба 12 га юборади. Тола тозалагичнинг олиб чиқилиши клапан 2 ёрдамида амалга оширилади. Таровчи валик 7 ва аррали цилиндр орасидаги масофа 2,0-2,5 мм ташкил этиши лозим. Толаларни арра тишларидан ечиб олиш учун чўткали барабан 11 ишлатилган.




3- расм. Конденсор турдаги тола тозалагичнинг схемаси


Янги тола тозалагич қурилмасининг технологик параметрларини асослаш, биринчи навбатда, назарий тадқиқотлар натижаларини аниқлаш ва таҳлил қилишни талаб қилади.

Ушбу мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, диссертация ишида биринчи навбатда, холстлар ҳаракатини ва унга таъсир қилувчи кучларни аниқлаш учун назарий тадқиқотлар олиб борилди (4 ва 5- расмлар).

Бу назарий изланишларнинг кетма-кетлиги қуйида кўрсатилган.



4-расм. Оралиқлар бўйича ҳаракатдаги холстнинг Δ баландлиги



5-расм. Толага таъсир этувчи кучлар тизими

Бу ерда: p_x^u -марказдан кочма кучларнинг инерцияси, p_c -ҳаво қаршилик кучи, T -арранинг олдинги қисмининг ишқаланиш кучи, N -тола ва арранинг ўзаро таъсирлашуви, p_k^u - корриолиснинг инерция кучи, γ – арранинг олдинги қиялик бурчаги, $ХОУ$ - ўқлар координатаси.

Бу ерда, маълумки:

$$P_u^u = \frac{mV^2}{R} \quad (1)$$

$$P_c = cV^2$$

$$P_k = 2\omega V_r m$$

Холстчани арра тишлари бўйича (ўқлар Ox бўйича) ҳаракати дифференциал тенгламасини тузамиз:

$$m\ddot{x} = P_u^u \cos \varphi - T - P_c \sin \gamma \quad (2)$$

Oy ўқи бўйлаб лойихалаш ёрдамида кучларни аниқлаймиз:

$$N = P_k^u + P_c \cos \gamma - P_u^u \sin \gamma \quad (3)$$

Унда, $T = \mu N$ (4)

Бу ерда μ - толланинг арра тишлари бўйлаб ишқаланиш кучи (2)ни (3)га қўямиз ва (1) га олиб ўтамиз.

$$m\ddot{x} = P_u^u \cos \gamma - \mu (P_k^u + P_c \cos \gamma - P_u^u \sin \gamma) - P_c \sin \gamma$$

Қабул қиламиз V_r тезлиги V тезлигидан кичик, P_k^u кичикроқ корриолис инерция кучларини ҳисоблаймиз.

Бу ҳолатда ҳамма тенгламаларнинг унг томони ўзгармас қолади. Тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$m\ddot{x} = A \quad (5)$$

Ўзгарувчанларни бўлиб (5)тенгламани ечамиз

$$dV_r = \frac{A}{m} \quad (6)$$

$$x = \frac{At^2}{2m} + c_1 \quad (7)$$

Бу ерда: c_1 -ўзгарувчан эмас

Бошлангич қийматлардан аниқлаймиз:

Яъни

$$t=0, v_x=0, c_1=0$$

Умумий ҳолатда арра цилиндрининг бурчаг тезлиги ω бир айлана қилса. Унда бурчак α_0 бир вақт бирлигига буралади

$$t_1 = \frac{\alpha_0}{\omega} \quad (8)$$

t_1 қўйсақ холстчани колосникгача бўлган ҳаракат масофа қийматини оламиз.

$$x = \frac{A}{2m} \left(\frac{\alpha_0}{\omega} \right)^2 \quad (9)$$

Юқоридаги қийматларни қўйган ҳолда холстчани ўтишини ҳисоблаб чиқиш мумкин.


Кейинги тадқиқотда холстчани баландлигини аррали цилиндр билан боғлиқлигини ва колосник панжара орасидаги масофани, ҳамда динамик ҳолатида $X=3,4$ мм ўтишини ҳисобга олган ҳолда улар орасидаги ҳаракат схемасини кўриб чиқамиз (6- расм).

Бу ерда: h_x - холстча баландлиги, h_3 - арра баландлиги, Δ - колосниклар ва арра тишлари орасидаги масофа.

Умумий ҳолатда агарда холстча арранинг тишлари бўйича бир меъёردа жойлашса ва ундан чиқмасдан, колосник билан орасидаги масофа Δ ёпса. Бу ҳолат амалга оширилади:

$$x \cos \gamma \geq (h_3 - h_x) + \Delta + h_6$$

Бу ерда, h_6 - колосниклар чизиғидан чиқадиган толалар



6-расм. Холст баландлиги билан арра цилиндри ва колосник панжара орасидаги масофанинг ўзаро боғлиқлик схемаси

Бу ҳолатда: $h_x - 3,0\text{мм}$, $h_3 - 4\text{ мм}$, $\Delta = 2 \pm 1,5\text{ мм}$, чизма бўйча, $h_6 - 1,0\text{ мм}$, $\Delta = 2 \pm 1,5\text{ мм} = 3,5\text{ мм}$.

$$x = \frac{1}{\cos \gamma} [(4 - 3) + 3.5 + 1] = 5.6\text{мм}$$

Агар бу ҳолатда қиймат $\Delta > h_x$ қуринишида бўлса, унда толалар арра тишларидан тушиб кетади. Агар $\Delta = 2 - 1,5\text{мм} = 0,5\text{ мм}$

Унда ,

$$x = \frac{1}{\cos \gamma} [(4 - 3) + 0,5 + 1] \approx 2.6\text{мм}$$

Унда $\Delta < h_x$ қийматида холстча арра тишларидан тушиб кетмайди ва колосник бўйича сирпанади ва бу ҳолатда толанинг тозалаш жараёни бажарилади.

Шундай қилиб, тола тозалаш жараёнининг ҳозирги ҳолатида, яъни холстчани арра цилиндри билан боғлаб турганда, талаб этилган толанинг асосий қисмини динамик ҳолати бир бирига боғлиқ эмас.


Тола тозалагичнинг ишчи элементларининг асосий параметрлари назарий жиҳатдан асосланди ва аниқландики, агар $\Delta = 0,5\text{мм}$ бўлса унда $\Delta < h_x$ қийматида, холстча арра тишларидан тушиб кетмайди ва тола колосник панжара бўйича ҳаракаланади ва тозалаш жараёни бажарилади. Толани тозалаш машинасида тозалаш самараси 10-15% гача йўқотишнинг сабаби, тола тозалагичнинг аэродинамик самарасидан тўлиқ фойдаланмаганлиги ва транзит ҳолатида толанинг 15% гача тозаланмасдан арра дискларидан ўтиши аниқланди.

Диссертацияни «**Тола тозалагининг синов намунасини ишлаш самарадорлигини тадқиқи**» деб номланган бобида стендлар асосида юқори самарали тола тозалаш агрегатини қўшган ҳолда пахта хомашёсини қайта ишлаш технологик тизимини яратиш усуллари келтирилган.

Янги тола тозалагичларнинг ишлаш самарадорлигини ўрганиш учун «Пахтасаноат Илмий Маркази» АЖ нинг лаборатория биносида стендли ускуналардан пахта хом-ашёсини қайта ишлаш ва тозалаш технологияси яратилди, унинг схемаси 7-расмда келтирилган. Пахта хомашёсини қайта ишлаш технологик жараёни қуйидаги машиналардан ташкил топган.

Пахта хомашёси 10 пневмотранспорт тизими 4 ва 5 ёрдамида пахта сепаратори 3 га келади, бу ерда пахтани ҳаводан ажратилади, бундан сўнг пахта жиннинг таъминловчиси 2 га тушади, у эса пахтани арра жинли стенд 1 га юклайди. Тола жиндан кейин уловчи труба 6 орқали ёрдамчи трубадан икки босқичли тўғри оқимли тола тозалагич 7га келтирилади, бу ерда толани биринчи маротаба тозаланади, сўнг пневмотранспорт тизими 11 ёрдамида клапан 12 орқали тола иккинчи конденсор туридаги тола тозалагич 8 га ўтказилади. Пахта хомашёсини ифлослиги 5,0% кам бўлса тола фақат икки барабанли тўғри оқимли тола тозалагичда тозаланади. Тола конденсор туридаги тола тозалагичда тозалангандан кейин пневмотранспорт тизими 9 ёрдамида умумбатареяли конденсорга йўналтирилади.

Тола тозалагич стендининг синов натижалари 1- жадвалда келтирилган.



7-расм. Тола тозалаш учун юкори самарали агрегат қўшилган пахтани қайта ишлаш технологиясининг схемаси

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, пахта хомашёси ифлослиги 1,4% бўлганда жинлашдан кейинги нуқсонлар ва хас-чуплар миқдори 3,3% ва тола тозалагичдан кейин 1,45% ташкил қилади. Бунда тозалаш самараси 40,1 % ташкил этди.

1-жадвал

2018 йил пахта ҳосили учун икки босқичли тўғри оқимли тола тозалагич стендини лаборатория синовлари натижалари

№	Пахта хомашёси				Жинлаш олдидан пахтани ифлослиги		Жиндан кейинги толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши, %	Тозалагичдан кейинги толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши, %	Чиқиндининг толадорлиги, %	Тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги, %
	Пахтанинг селекция нави	Нави ва синфи	Ифлослиги, %	Намлиги, %	Ифлослиги, %	Намлиги, %				
1	С-6524	1/2	4,5	8,7	1,4	8,2	3,30	1,95	15,2	40,1
2	Порлоқ-1	1/2	6,4	9,1	1,6	8,5	3,51	2,10	17,1	39,4
3	Наманган	2/2	11,2	12,8	2,4	9,3	4,04	2,51	20,3	41,2

Бошқа тажрибаларда тозалаш самараси 39,4-41,2% атрофида ўзгариб турди, толада нуқсонлар ва хас-чуп миқдори камайгани ҳисобига ёки мавжуд тола тозалагичларга солиштирганда тозалаш самараси икки баробарга ортади.

Тола сифатини яхшиланишига тола тозалагичдан кейин толада нуқсонлар ва хас-чуплар миқдори, айниқса майда ва катта ифлосликлар, улюк, толали пўстлоқ ва синган чигитлар камайганлиги ҳисобига амалга ошади. Чикиндиларни толадорлиги тола тозалагичдан кейин ўртача 17,5% ташкил қилди, бу мавжуд тола тозалагич кўрсаткичларидан анча паст.

Пахта толасини тозалаш агрегатини яратиш бўйича тасдиқланган иш режасига мувофиқ, конденсор туридаги 30 та аррали жин асосида тола тозалагич стенд мосламаси ишлаб чиқарилди ва «Paxtasanoat ilmiy markazi» АЖ нинг лаборатория биносига ўрнатилди.

Олинган маълумотларга кўра, тола тозалагич стендининг мақбул режимида жиннинг ҳаво камерасидаги ҳавонинг статистик босими 160 кгс/, ҳаво сарфи 0,4 м³/с тола тозалагичдан кейин 0,93 м³/с ва циклон мосламаси олдиан 1,07 м³/с. Бунда чикиндиларни толадорлиги тола тозалагичдан кейин 25-30% даражасида бўлади, бу эса шу турдаги тола тозаловчилар учун белгиланган талабларига жавоб беради.

Конденсор туридаги тола тозалагичнинг тажрибавий намунавини самарадорлигини ўрганиш натижасида шуни аниқландики, тола тозалаш ва тола тозалаш стендини мақбул режимида жиннинг ҳаво камерасидаги ҳавонинг статистик босими 160 кгс, тола тозалагичдан кейин ҳаво сарфи 0,93 м³/с. Бунда тола тозалагичдан кейин чикиндиларни толадорлиги 25-30% даражасида бўлади, бу эса шу турдаги тола тозаловчилар учун белгиланган талабларига жавоб беради.

Диссертациянинг тўртинчи бобида 2ВПМ тола тозалаш карралигини ўзгартириш билан икки барабанли тола тозалагич тажриба-саноат намунасини ишлаб чиқариш синовлари”, илмий ва тажрибавий тадқиқотлар натижасида, Жиззах вилоятидаги Зарбдор пахта тозалаш корхонасида, пахтани қайта ишлаш ва тола тозалаш тартибга солинган технологик жараёнида ўрнатилган 2ВПМ туридаги юқори самарали икки барабанли тола тозалагичнинг асосий ишчи қисмларининг тажриба-саноат намунаси яратилди. Янги икки барабанли тола тозалагич мавжуд турдаги 1ВПУ тола тозалагич ўрнига ўрнатилган. Синов натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики селекция нави С65-24, саноат нави ½ пахтасини қайта ишлаганда, толада жиндан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори 2,7%, тола тозалагичдан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори 1,78% ташкил этди. Бунда тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 32,6% ташкил қилади. Тола тозалагичдан кейин чикиндиларни толадорлиги 21,0% ни ташкил этди.

“Порлоқ-1” селекция навидаги 2 нав 2-синфли машина теримида олинган, дастлабки ифлослик даражаси 14,4%, намлиги 15,3% бўлган пахтани қайта ишлашда толада жиндан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори

ўртача 7%, тола тозалагичдан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори 4,48% ташкил этди. Икки барабанли тола тозалагичнинг ўртача тозалаш самарадорлиги 36,2 % ташкил қилди, бу эса мавжуд бўлган бир барабанли 1ВПУ тола тозалагич ишига солиштирганда 2 баробар кўпроқдир.

Икки барабанли тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлигини оширилиши, майда ва катта хас-чуплар, улюклар, толали пўстлоқ ва синган чигитлар миқдорини камайтириш орқали толаниг сифатини оширишга имкон берди. Икки барабанли тола тозалагичнинг ишлаб чиқариш синовлари жараёнида чиқиндиланинг толали қисмини таҳлили ўтказилди.

2-жадвал

Зарбдор пахтани қайта ишлаш корхонасида иккибарабанли юқори самарали 2ВПМ тола тозалагичда қўлда терилган селекцияси С6541 I нав 2-синфдаги пахтани ишлаб чиқариш синовлар натижаси

Тажриба номерлари	Дастлабки пахта хом-ашеси		Жин олдидаги пахта хомашёси	
	Ифлослиги, %	Намлиги, %	Ифлослиги, %	Намлиги, %
1	4,5	8,9	0,75	7,2
2	4,9	8,1	0,89	7,6
3	4,7	8,7	0,81	7,3
Ўртача	4,7	8,6	0,82	7,4

Тажриба номерлари	Жиндан кейин толада нуқсонлар ва хас-чуплар миқдори, %	Тола тозалагичдан кейин толада нуқсонлар ва хас-чўплар миқдори, %	Тола тозалагичнинг тозалаш самараси, %	Тола тозалагичдан кейин толали чиқиндилар, %
1	2,05	1,60	22,7	23,2
2	3,15	1,75	43,7	20,3
3	2,92	2,0	31,4	19,7
Ўртача	2,70	1,78	32,6	21,0

Бунинг натижасида аэродинамик режимини оптималлаштириш ва такомиллаштириш ҳисобига чиқиндилар толадорлиги 21-23% ташкил қилиши аниланди. Чиқиндиларда тола миқдори камайиши тола чиқиш миқдорини оширишга имкон берди.

2017 йилда ҳам икки барабанли 2ВПМ тола тозалагичнинг иш самарадорлиги мавжуд бўлган бир барабанли 1ВПУ туридаги тола тозалагич ишлаш самарадорлигига таққослаб ишлари ўрганилди. Ишлаб чиқариш синовлари Ан-Баяут селекцияли 1-нав ва 2 синф кўл теримидаги ва Порлоқ-1 селекцияли 2-нав, 2-синф машина теримида олинган пахталарда олиб борилди.

Олинган натижаларга кўра, Ан-Боявут-2 селекциядаги пахтани қайта ишлаганда толада жиндан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори 3,5-3,6%, икки барабанли тола тозалагичдан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори 2,28%, мавжуд бўлган тола тозалагичдан кейин эса 2,9% ташкил этди. Бунда янги тола тозалагичнинг тола тозалаш самарадорлиги 36,6%, мавжуд тола тозалагичда эса 17,1 % ташкил қилади.

“Порлок-1” селекция навидаги 2 нав 2-синфли машина теримида олинган пахтани қайта ишлашда толада жиндан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори 6,75-6,9%, янги тола тозалагичдан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори 4,37%, мавжуд бўлган тола тозалагичдан кейин эса 5,4% ташкил этди. Бунда янги тола тозалагичнинг тола тозалаш самарадорлиги 37,5%, мавжуд тола тозалагичда эса 19,4 % ташкил қилади.

Шундай қилиб икки барабанли 2ВПМ тола тозалагичнинг қўл ва машина теримида олинган пахтани қайта ишлашда тозалаш самарадорлиги мавжуд бўлган 1ВПУ тола тозалагичларга нисбатан 2 баробар кўпроқдир.

Султон-1 селекция навидаги 1 нав 2-синф қўл терими пахта хомашёсини қайта ишлаш жараёнида олинган маълумотларидан кўриниб турибдики икки аррали қилиндрли тола тозалагичдан кейин нуқсонлар ва хас-чуп миқдори 2,31% ташкил қилади, битта аррали цилиндрли тола тозалагичдан кейин эса 2,75% ташкил этади.

Бунда иккита аррали цилиндрли тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 36,9% ташкил этади, битта арра цилиндрли тола тозалагич тозалаш самарадорлиги эса 21,4 % ташкил қилади. Мавжуд 1ВПУ тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 16,4% ташкил этади, бу эса икки барабанли 2ВПМ тола тозалагичнинг тола тозалаш даражасига қараганда 2,2 марта камроқ.

Чиқиндиларни толадорлиги икки барабанли тола тозалагичдан кейин ўртача 21-23% ташкил этади, мавжуд бўлган 1ВПУ турдаги тола тозалагичларда эса 30,1%. Бу эса янги тола тозалагичга қараганда 1,3 мартага юқори эканлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида ишлатиладиган 1ВПУ тола тозалагичнинг ишлаши ва самарадорлиги аниқланган. Тола тозалагичнинг амалдаги технологик кўрсаткичлари ўрнатилган, пахта хомашёсининг навига қараб Республика буйича тозалаш самарадорлиги ўртача 20-25%, тола тозалагичдан кейин чиқиндиган тола миқдори 25-30% ташкил қилиши асосланган.

2. Импорт қилинган пневматик тола тозалагичларни ўрганиш шуни кўрсатдики, умумий тозалаш самарадорлиги ўртача 35-40% ташкил этади. Ўрганишлар натижасида тола тозалагичнинг ишига салбий таъсир кўрсатадиган ва унинг тозалаш самарадорлигини камайтирадиган камчиликлари аниқланган.

3. Маҳаллий ва хорижий тола тозалагичларнинг ишлаши ва самарадорлигини, уларнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш асосида пахта толасини тозалаш учун юқори самарали агрегатнинг мақбул схемаси танланган. Унда кутилаётган тозалаш самараси 30-45%, чиқиндиларда толалар миқдори 15-30% ташкил қилади.

4. Тола тозалагичнинг ишчи элементларининг асосий параметрлари назарий жиҳатдан асосланган, агар $\Delta = 0,5\text{мм}$ бўлса унда $\Delta < h_x$ қийматида холстча арра тишларидан тушиб кетмайди ва колосникларга ўрилиб тозалаш жараёни бажарилади. Тола тозалаш машинасида тозалаш самараси 10-15% гача йўқотилиши ва толани транзит ҳолатида тозаланмасдан арра дискларидан ўтиб кетишининг сабаби аниқланган.

5. Пахта хомашёсини технологик қайта ишлайдиган 20 та ва 30 та аррали жинлар асосида толаларни тозалаш учун юқори самарали агрегатни ўз ичига олган тизим яратилган ва тола тозалагичнинг ишлаш самарадорлигини ва технологик параметрларини аниқлаш учун машинанинг техник ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Тола тозалагич стендининг синовлари натижасида, пахта хомашёси ифлослиги 1,4% бўлганда, жинлашдан кейин нуқсонлар ва хас-чўплар миқдори 3,3%, тола тозалагичдан кейин 1,45% бўлганлиги аниқланган. Бунда тозалаш самарадорлиги 40,1% ни ташкил этган.

6. Конденсор туридаги тола тозалагичнинг тажриба нусхасини ишлаш самарадорлигини ўрганиш натижасида шуни аниқландики, тола тозалагич стендининг мақбул режимда тола тозалашнинг карралиги ва жиннинг ҳаво камерасида ҳавонинг статистик босими 160 кгс/м^2 ташкил қилади, тола тозалагичдан кейинги ҳаво сарфи 0,93. Бундай ҳолда тола тозалагичдан кейин чиқиндилардаги тола миқдори 25-30% даражада, бу эса шу турдаги тола тозалагичлар учун белгиланган меъёрлар талабига жавоб беради.

7. Статистик босимлар ва ҳаво сарфлари ўрганилган, икки барабанли тола тозалагичдан кейин- $8,0\text{ кгс/м}^2$, ҳаво сарфи эса $3,1\text{ м}^3/\text{с}$, конденсордан кейин мос равишда- $75,0\text{ кгс/м}^2$ ва $6,7\text{ м}^3/\text{с}$. Толани конденсорга етказиб бериш учун босим ва ҳаво сарфи пахта тозалаш корхоналарида мавжуд пневматик толаларни етказиб бериш тизимидаги каби сақлаб қолинган.

8. Ишлаб чиқариш синовлари натижасида аэродинамик режимини мақбуллаш ва такомиллаштириш ҳисобига чиқиндилар таркибидаги тола миқдори ўртача 21-23% ташкил қилиши аниқланган. Чиқиндида тола миқдорининг камайиши, пахтадан тола чиқишини кўпайишига имкон берган. 2ВПМ икки барабанли тола тозалагичнинг қўлда ва машинада терилган пахтани қайта ишлашдан тозалаш самарадорлиги мавжуд бўлган 1ВПУ тола тозалагичга солиштирганда 2 баробар каттадир.

9. Янги тола тозалагични ишлаб чиқаришга жорий қилишдан кутилаётган йиллик иқтисодий самара 162,8 млн сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РнD 03/30.12.2019.Т.66.01ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АМИНОВ ХАМЗА ХУСАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ВНЕДРЕНИЕ ВЫСОКОЭФФЕКТИВНОГО
ДВУХБАРАБАННОГО ВОЛОКНООЧИСТИТЕЛЯ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и
первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.3.PhD/T1332.

Диссертация выполнена в АО «Пахтасаноат илмий маркази» и Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте Наманганского инженерно-технологического института (www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Максудов Эркин Тухтаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мадумаров Илхом Дадаханович
доктор технических наук, профессор

Эргашев Шариббой Туланович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Джиззахский политехнический институт

Защита диссертации состоится 7 ноября 2020 года в 11:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75. e-mail: nei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована за №389). Адрес: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан 2 ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 27 от 2 ноября 2020 года).



Р.М. Мурадов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

О.Ш. Саримсаков

Учредительский секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

К.М. Холиков

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одним из основных сырьевых ресурсов для текстильной промышленности является хлопковое волокно. Материалы и готовые одежды, полученные из него отличаются и особо ценятся экологической чистотой, без отрицательного влияния на здоровье человека. Лидерами производства хлопка в мире являются США, Бразилия и Индия¹. Для сохранения места и влияния этом сегменте мирового рынка особое внимание уделяется постепенному развитию технологии переработки хлопка, объём исследований, направленных на повышение качества и снижению себестоимости хлопковой продукции, а также становится одним из важных задач по изучению и предотвращению факторов, отрицательно влияющих на качество продукции, способствующих сокращению расходов во всех этапах производства.

В мировом рынке в последнее время ставится вопрос поставки хлопка с конкретным ассортиментом и качественными и количественными показателями. С этой связи для поставки потребителям продукции с заранее определенными качественными и количественными показателями особое внимание уделяется разработке умных технологий, которые управляют показателями выпускаемой продукции во всех стадиях переработки, разработке технических решений по определению и устранению факторов, отрицательно влияющих на качество и конкурентоспособность продукции и следует особо отметить о постановке вопроса повышения эффективности очистки хлопкового волокна как одного из актуальных вопросов производства.

В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставится задача повышения конкурентоспособности национальной экономики, сокращения потребления энергии и ресурсов в экономике и внедрения энергосберегающих технологий в производство². Для достижения этих целей в хлопкоочистительной промышленности необходимо создания новых технологий и совершенствование существующих технологических машин и их основных рабочих органов. Наряду с этим одним из важных задач отрасли является проблема улучшения качества волокна, путём создания прогрессивных технологий и техники по очистке волокна, являющегося основным сырьём для текстильной промышленности. Поэтому любые разработки, направленные на снижение суммы пороков и засоренности волокна, заслуживают особого внимания. При решении этих задач очень важным становятся вопросы определения и оценка степени их влияния на показатели продукции, а также устранения факторов, отрицательно влияющих на природное качество волокна во время

¹Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

²Указ Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

волоконоочистки и выделение сорных примесей из волокна, без отрицательного влияния на его природные свойства.

Диссертационная работа в определенной мере способствует реализации целей изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 января 2017 года «Стратегия действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Постановлению Президента Республики Узбекистан от 4 марта 2015 года №ПП-4707 «О мерах по диверсификации производства и структурных реформах и модернизации на 2017-2019 годы», ПП-3559 от 23 февраля 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию деятельности акционерного общества «Пахтасаноат илмию маркази» и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

